

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ  
“НОАНЬАНАВИЙ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ  
МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ”  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯСИ  
НИЗОМИ

Низом университет Кенгашининг  
2023 йил “28” декабрь даги 5-сонли  
қарори билан маъқулланган

ҚАРШИ – 2023

**“НОАНЬАНАВИЙ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛАБОРАТОРИЯСИ  
ТҮГРИСИДА**  
**НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари түгрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 27 июнданги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари түгрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори, 2019 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар түгрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2023 йилдаги «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора- тадбирлари түгрисида»ги ПҚ-57-сон қарори ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари түгрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарори, ПФ-5763-сон “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ этиш чора-тадбирлари түгрисида”ги Фармони ва 2021 йил 19- марта ПҚ-5032-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Карши давлат университети (кейинги ўринларда университет деб юритилади) “Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш муаммолари” илмий-тадқиқот лабораторияси (кейинги ўринларда илмий-тадқиқот лабораторияси деб юритилади) мақсадлари, вазифалари, функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, ташкилий асосларини белгилаб беради.

**1.Умумий қоидалар**

1.1. Илмий-тадқиқот лабораторияси университетнинг “Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш муаммолари” бўйича илмий тадқиқот, илмий-инновацион тадқиқотлари ва тижоратлаштириш билан шуғулланадиган бўлинмаси ҳисобланади.

1.2. Илмий-тадқиқот лабораториясининг тўлиқ номланиши:

Давлат тилида -“Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш муаммолари” илмий-тадқиқот лабораторияси (НКТЭМФМ) ;

Рус тилида- Научно-исследовательская лаборатория “Проблемы использования нетрадиционных и возобновляемых источников энергии” (ПИНВИЭ);

Инглиз тилида – “Problems of using non-traditional and renewable energy sources” research laboratory (PUNTRES);

1.3. Илмий-тадқиқот лабораторияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва конунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва Инновациалар вазирлиги қарорлари ва буйруқлари, Университет Кенгашининг қарорлари, университет ректорининг буйруқлари, шунингдек, университетнинг Устави, Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда мазкур Низом асосида фаолият олиб боради.

1.4. Илмий-тадқиқот лабораторияси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган думалоқ муҳрга эга, ўз номланишига эга штамплар ва бланкаларга, эмблеммага эга бўлиш хукуқига эга.

1.5. Илмий-тадқиқот лабораторияси университет томонидан вақтинчалик фойдаланишга берилган мулкдан фойдаланиши, ажратилган илмий тадқиқот ускуналаридан фойдаланиш, бошқа ОТМ ва Илмий-тадқиқот лабораториялари билан ҳамкорлик қилиш ва ўз

номидан илмий-инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариши, маслаҳат ва турли хилдаги хизматлар кўрсатиш, республика ОТМ ва хўжалик юритувчи субъектлар учун семинар-тренинглар ташкил этиш, уларни амалиётга жорий этиш бўйича университетнинг Илмий - инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими билан ҳамкорликда шартномалар тузиш, уларни ижро этиш ҳукуқига эга.

## **2.Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятининг мақсади, асосий йўналишлари ва вазифалари**

Илмий-тадқиқот лабораториясининг *acosisiy maqсади* университетни Қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф муҳит физикаси йўналишлари бўйича ҳалқаро майдондаги ва республикадаги нуфузини ошириш, республикада Муқобил энергия манбалари соҳаларида етук кадрларни тайёрлайдиган ва чуқур илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширадиган, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришдан иборат.

2.1. Илмий-тадқиқот лабораториясининг *фаолиятининг асосий йўналишлари* қўйидагилар ҳисобланади:

Худуддаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда концепцияси доирасида университетнинг соҳага таалуқли барча кафедралари билан биргаликда стратегияни ишлаб чиқиши, стратегияда белгиланган вазифалар, чора-тадбирларни амалга ошириш ва мониторингини юритиши;

Илмий тадқиқот натижаларини ўқув, ўқув-услубий ва тижоратлаштирилишини йўлга кўйиши;

Илмий-тадқиқот лабораториясида таълим, илмий тадқиқотлар ва илмий – амалий тадқиқотлар соҳаларида амалга ошириладиган барча жараёнларни марказнинг расмий сайтида жойлаштириши;

Соҳага тааллуқли ҳалқаро ва республика миқёсида эълон қилинадиган илмий лойиҳа ва грантларда фаол иштирок этиш, кафедралар профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилар учун ҳалқаро проектларни ёзиш, хужжатларни расмийлаштириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиши;

Янги илмий тадқиқот ускуналари ёрдамида Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириши;

Университетнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари томонидан соҳага тегишли Scopus/Science Direct/Web of Science/Springer Nature/РИНЦ базаларидаги журналларда илмий мақолалар чоп этишни ташкил қилиши;

Илмий тадқиқотларни олиб бориш, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни амалиётга тадбиқ қилишда тегишли корхоналар билан узвий алоқаларни ўрнатиши.

Илмий-тадқиқот лабораториясида **Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш муаммолари** ва Муқобил энергия манбалари йўналишлар билан биргаликда шартнома асосида илмий тадқиқот ишларини бажариш;

2.2. Илмий-тадқиқот лабораториясининг *acosisiy vazifalari* қўйидагилардан иборат:

Ҳалқаро грантлар ва Давлат илмий тадқиқот дастурлар доирасида илмий лойиҳаларда иштирок этиши. Профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар учун бу борада семинар-тренинг ва маслаҳатлар бериш тизимини йўлга кўйиши;

Илмий-тадқиқот лабораториясининг расмий сайтини замонавий талаблар бўйича ишлаб чиқиши, сайтни замонавий рейтингида ўрнини кўтаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириши;

Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотларни ривожлантириш, корхоналардаги мавжуд муаммолар мониторингини олиб бориш, муаммоларни ечиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва олинган энг муҳим натижаларни корхоналарда жорий этишга қаратилади.

Илмий-тадқиқот лабораториясида қилинган илмий тадқиқот ишларини амалиётга жориш қилиши;

Соҳага тегишли илмий тадқиқот натижаларини турли соҳаларга интеграциялашувини йўлга қўйиш;

*Scopus/Science Direct/Web of Science/Springer Nature/РИНЦ* базаларидаги журналларда илмий мақолаларни чоп этиш бўйича семинар-тренингларниташкил этиш;

*QS/THE/ARWU* халқаро рейтинг агентликлари билан яқиндан ишлаш ва университетни келажакда кучли 1000 талик рўйхатидан жой олишини таъминлаш бўйича тизимли тадбирларни амалга ошириш;

Дунёнинг нуфузли профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари илмий изланувчилари ва раҳбар ходимларнинг дарс машғулотлари, маҳорат дарсларини, ҳамкорликда семинар-тренинглар ва ёзги мактабларни ташкил этиш;

Ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари соҳаларида дунёнинг кўзга кўринган олимлари билан ҳамкорликда илмий лойиҳалар ёзиш ва уларни ушбу лойиҳаларга ишга жалб қилиш;

Профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчиларнинг нуфузли хорижий журналларда чоп этган илмий мақолаларига *Хирши (h-индекс)* индексини ошириш бўйича чораларни излаш;

Муқобил энергия манбалари йўналишлар фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

Соҳага тегишли амалий ва инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш ва стартап лойиҳаларни амалга ошириш;

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқиши бўйича жаҳоннинг етакчи компания ва университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, стажировка ва малака ошириш ишларини ташкил этиш;

Халқаро ташкилотлар экспертлари, хорижий мамлакатларнинг ОТМ профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда илмий грантларда иштирок этиш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик, халқаро илмий-техник ҳамкорликни амалга ошириш.

### **3.Илмий-тадқиқот лабораториясининг ўзаро корпоратив муносабати**

3.1. Илмий-тадқиқот лаборатория фаолияти университет таълим ва илмий тузилмалари ҳамда республкамизнинг тегишли иқтисодий амалиёт тузилмаларининг ўзаро фойдали, корпоратив иштироки тамойиллари доирасида амалга оширилади. Шунингдек, Илмий-тадқиқот лабораторияси университет ректорининг топшириғи асосида вазирликлар, корхона ва ташкилотлар билан илмий, ўқув ва услубий инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этиш хуқукига эга.

3.2. Университетнинг соҳага тегишли кафедраларни концепцияси доирасида олиб бориладиган ҳамкорлик муносабатлари Илмий-тадқиқот лабораторияси томонидан мувофиқлаштирилади.

3.3. Илмий-тадқиқот лабораторияси ҳар йили ўз фаолияти якунлари ва келгуси йилги фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича Университет кенгашида ҳисобот беради.

3.4. Илмий-тадқиқот лабораторияси ўқув, илмий-инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиши ва татбиқ этишга қаратилган халқаро ҳамкорлик соҳасида университет ректорининг топшириғи асосида халқаро илмий конференциялар, форумлар, ёзги мактаблар, семинар-тренинглар, илмий лойиҳалар ва дастурларда иштирок этиш хуқукига эга.

### **4.Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш**

4.1 Илмий-тадқиқот лабораториясининг таркиби ҳар календарь йилига университетнинг илмий, илмий-инновацион фаолиятининг устувор йўналишидан келиб чиқиб шакллантирилади ва Университет ректори томонидан тасдиқланади.

4.2 Университетнинг инновацион ҳамкорлигини стратегик ривожлантириш ва шакллантириш масалалари университет Кенгаши карорлари ва ректорнинг буйруқлари билан тартибга солиб борилади.

4.3 Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятини бошқариш Университет ректорининг буйруғи билан тайинланувчи Илмий-тадқиқот лабораторияси мудирига юклатилади. Университетни ривожлантириш стратегияси доирасида Илмий-тадқиқот лабораторияси тұғридан-тұғри Университет ректорига бўйсунади. Илмий-тадқиқот лаборатория мудири бир пайтнинг ўзида Университет ректорининг мазкур соҳалар бўйича **илмий консультантни ҳисобланади**.

4.4 Илмий-тадқиқот лабораторияси ўзига юкланган вазифаларни бажаришда Республика илмий-ихтисослаштирилган илмий лабораториялар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг институтлари ва бошқа хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

4.5 Илмий-тадқиқот лабораторияси штатлар жадвалига мувофиқ З та штат бирлигидан иборат қилиб белгиланган. Штат жадвали бўйича лавозимлар сони ва маоп даражаси Илмий-тадқиқот лабораториясининг олдига қўйилган вазифалар, фаолият қўлами ва талабидан келиб чикиб, шунингдек, мазкур соҳада белгиланган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

## **5.Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятини молиялаштириш**

5.1 Марказнинг асосий даромад манбаи қўйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ушбу Низомда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши учун ажратилган мақсадли молиявий, моддий ва бошқа маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан танловлар натижалари бўйича ажратилган фундаментал, амалий ва инновацион тематик грантлар;

Хорижий ташкилотларнинг грантлари;

Шартнома асосида қўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳомийлик хайриялари;

Илмий-тадқиқот лаборатория томонидан ишлаб чиқилган илмий, илмий-инновацион ёки бошқа (технологик маҳсулотлар, стендлар,) маҳсулот хизматларини амалга ошириш ҳисобига олинган даромадлар;

Илмий-тадқиқот лабораториясида илмий - инновацион соҳани ривожлантириш учун учинчи шахслар томонидан ёки корпоратив алоқалар доирасида ажратилган мақсадли молиявий, ҳомийлик ёки хайрия маблағлари ва ускуналар;

Корхона ва ташкилотлар билан илмий тадқиқотларни бажариш, илмий семинарларни ўтказиш билан боғлиқ тузилган хўжалик шартномаларини амалга оширишдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таъқиқланмаган бошқа фаолиятлар ҳисобига олинган даромадлар.

5.2 Мазкур низомнинг 5.1-бандида кўзда тутилган тушумлар ва даромадлар Университетнинг Ривожлантириш жамғармасида жамланади.

5.3 Ривожлантириш жамғармага келиб тушган маблағлар илмий-тадқиқот лаборатория мудирири томонидан бошқарилади, жамғармадаги даромадларни сарфлаш мазкур низомда қўрсатилган мақсадларга йўналтирилади.

5.4 Илмий-тадқиқот лаборатория ходимларининг расмий иш ҳақи университетда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шаклларига мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Хусусан, Илмий-тадқиқот лаборатория мудири меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори мос равишида Университет декани меҳнатига ҳақ тўлаш базавий лавозим маоши миқдорига; Илмий ходим меҳнатига ҳақ тўлаш мос равишида Университет факультети декани ўринбосари меҳнатига ҳақ тўлаш базавий лавозим маоши миқдорига;

Бош мутахассис- инженер меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори мос равишида катта ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлаш базавий лавозим маоши миқдорига тенглаштирилади.

5.5 Илмий-тадқиқот лаборатория ходимларига иш ҳақи, университетнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳамда Илмий-тадқиқот

лабораториянинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб қўшимча тўловлар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни ўз ичига олиши мумкин.

5.6 Илмий-тадқиқот лабораторияни мазкур йўналиш бўйича профессионал маълумотга ва илмий даражага эга раҳбар бошқаради, у Университет ректорининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

5.7 Илмий-тадқиқот лаборатория ходимлари танлов асосида ишга қабул қилинади.

5.8 Ходимлар лавозимлари Классификаторда белгиланган лавозим ва касблар рўйхатидан белгиланади.

5.9 Илмий-тадқиқот лаборатория ушбу Низомда кўзда тутилган асосий вазифаларни бажариш ва мақсадларга эришиш доирасида мустақилликка эга.

5.10 Илмий-тадқиқот лабораториянинг фаолияти ва олдида турган вазифалари га мувофиқ илмий, ўқув-услубий, илмий тадқиқотлар ва бошқа турдаги фаолият самарадорлигини таъминлайдиган бўлимлар, лабораториялар, гуруҳлар, кафедралар, илмий - услубий кабинетлар ва бошқа турдаги бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

5.11 Илмий-тадқиқот лабораториянинг молиявий-хўжалик фаолияти Илмий-тадқиқот лабораторияга бириктириб қўйилган Университет моддий-техника базасида амалга оширилади.

5.12 Илмий-тадқиқот лаборатория Университет томонидан марказга бириктириб қўйилган мулк ва бошқа ресурслардан мақсадли фойдаланади.

5.13 Илмий-тадқиқот лаборатория мулкини Университет томонидан Илмий-тадқиқот лабораториясига бириктириб қўйилган, шунингдек, Илмий-тадқиқот лаборатория фаолияти натижасида келиб тушадиган маблағлар ҳисобига харид қилинган асосий фонdlар ва айланма воситалар, ҳамда пул маблағлари ва бошқа бойликлар ташкил қиласи. Илмий-тадқиқот лаборатория мазкур Низом ва Университет Низомида кўзда тутилган хуқуқлар доирасида ҳамда асосий мақсад ва вазифаларга мувофиқ мулкни тасарруф қиласи ва фойдаланади.

5.14 Илмий-тадқиқот лабораториянинг молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш мазкур Низомда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Университетнинг мос келувчи бўлимлари, хизматлари ва структурали бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

5.15 Марказнинг молиявий-хўжалик фаолиятини молиялаштириш белгиланган тартибда мувофиқлаштирилган ва тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

5.16 Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятини молиялаштириш учун Университет бухгалтерияси томонидан Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятидан келиб тушадиган маблағлар алоҳида ҳисоби юритилади.

5.17 Маъмурий-хўжалик функцияларини бажарувчи мансабдор шахслар, шунингдек, Илмий-тадқиқот лабораториянинг бошқа ходимлари ўз фаолиятини Университет билан тузилган меҳнат шартномалари асосида амалга оширади. Ходимлар меҳнатигаҳақ тўлаш ҳажми, шунингдек, моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари шаклидаги тўловлар Илмий-тадқиқот лаборатория тасарруфида бўлган маблағлар доирасида белгиланади ва амалга оширилади.

5.18 Илмий-тадқиқот лаборатория ўз хўжалик фаолияти натижаларини тегишли равишда Университетнинг Ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамида ҳисобга олиб бориши ва Университет талабларига мувофиқ ҳисоб-китоб юритиши шарт.

5.19 Илмий-тадқиқот лабораториянинг бухгалтерия ҳисботлари марказлаштирилган Университет бухгалтерияси томонидан юритилади. Илмий-тадқиқот лаборатория бухгалтерия хужжатлари ва ҳисботларини юритиши учун зарур бўлган барча хужжатларни Университет бухгалтерияси белгиланган муддатда тақдим этиши лозим.

5.20 Университет Илмий-тадқиқот лаборатория фаолияти операциялари алоҳида ҳисоб-китоб қилинади, унда Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятининг барча манбаларидан келиб тушадиган пул маблағлари ҳисобга олинади. Ҳисоб рақамдан фойдаланиш Илмий-тадқиқот лаборатория мудири раҳбарлиги ва назорати остида амалга оширилади ҳамда улардан фойдаланишнинг қонунийлиги унинг зиммасига юклатилади.

5.21 Илмий-тадқиқот лабораториянинг олий бошқарув органи Университет Кенгаши хисобланади. Университет Кенгаши, ректори, шунингдек, ректор томонидан структурали бўлинмаларни бошқариш ваколатлари берилган бошқа шахсларнинг қарорлари Илмий-тадқиқот лаборатория учун мажбурийдир.

5.22 Университет Илмий-тадқиқот лабораториянинг мазкур Низом ва Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятини тартибга соладиган бошқа норматив ҳужжатлар талабарини бажариши, шунингдек, Университетга тегишли бўлган мулқдан самарали фойдаланиш устидан кузатув ва назоратни амалга оширади.

5.23 Илмий-тадқиқот лаборатория тезкор ҳисоб юритади, белгиланган тартибда маълумотларни Университет раҳбариятига тақдим этади ва тақдим этилган ахборотларнинг ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

## **6.Илмий-тадқиқот лабораториянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6.1 Илмий-тадқиқот лаборатория ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Илмий-тадқиқот лаборатория ҳуқуқларини илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор амалга оширади;

Университетнинг тегишли кафедра ва бўлинмаларидан Илмий-тадқиқот лаборатория учун зарур барча ҳужжатлар ва маълумотларни тегишли тартибда қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари талаблари ёки интеллектуал мулк соҳасидаги шартнома мажбуриятлари бузилганда тегишли чоралар кўриш зарурлиги тўғрисида раҳбариятга ахборот бериш.

6.2 Илмий-тадқиқот лаборатория ходимлари қуидагиларни амалга оширишлари шарт:

Илмий-тадқиқот лаборатория ваколати доирасида ва бажарилувчи вазифаларга мувофиқ университетнинг ўқув, илмий, ишлаб чиқариш ва маъмурий бўлинмалари ходимларига тегишли ҳужжатларни тақдим этиш;

Университет Кенгашида кўриб чиқиладиган ҳамда бошқа хўжалик субъектлари, Республика ОТМ ўртасида ўзаро соҳага тегишли илмий, илмий- инновацион ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ҳамда маълумотларни университетнинг тегишли факультетлари, кафедралари, бошқа таркибий бўлинмаларидан белгиланган тартибда олиш;

Университет таркибий бўлинмалари, факультетлари, кафедралари, шунингдек, белгиланган тартибда илмий тадқиқот институтлари, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, бошқа органлар ва ташкилот вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш ва йиғилишларида иштирок этиш;

Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятига оид масалалар юзасидан кафедралар билан ҳамкорлик олиб бориш, амалдаги давлат илмий-техник дастури доирасидаги фундаментал, амалий, инновацион ва стартап лойиҳалари бўйича танловларда иштирок этиш;

6.3 Илмий-тадқиқот лаборатория мудири лабораторияга юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилмаганлиги, амалдаги қонунчилик ва университет уставигамувофиқ тақдим этилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот лаборатория ходимлари ўз лавозим вазифаларига мувофиқ иш сифати ва самарадорлиги, хизмат вазифаларини бажариш натижасида уларга маълум махфий илмий маълумотларни рухсатсиз ошкор қилганликлари учун жавобгар ҳисобланадилар.

## **7.Илмий-тадқиқот лаборатория ходимларининг мажбуриятлари**

7.1. Илмий-тадқиқот лаборатория ходимлари яримўтказгичли қуёш элементлари ва лазер физикаси соҳасида илмий тадқиқот ишларининг мураккаблигини ҳис қиладиган, мазкур соҳаларда лабротория жихозларида ишлай оладиган, курилмаларнинг ишлаш принцпларини биладиган ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг юқори даражасини тушунадиган ҳамда амалиётда татбиқ эта оладиган, яратилган ўқув, илмий - инновацион

ишланмаларни реализациясини амалга ошира оладиган малакали ва олий маълумотга эга бўлишлари, техника хавфсизлиги билан танишиш ва тушунчага эга бўлиши лозим.

7.2. Штатлар рўйхати бўйича белгиланган лавозимларга ишга қабул қилиш Илмий-тадқиқот лаборатория мудирининг тавсиясига кўра университет ректори томонидан тайинланади ва ишдан озод этилади.

### 7.3. **Илмий-тадқиқот лаборатория мудири:**

Илмий-тадқиқот лабораторияга бевосита раҳбарлик қиласди;

Илмий-тадқиқот лабораториянинг вазифа ва функцияларининг бажарилиши устидан масъул ҳисобланади;

Илмий-тадқиқот лабораториянинг иш тартибини ташкил этади, ходимлар, шунингдек, илмий-услубий, илмий - инновацион турдаги мазкур соҳалар билан боғлиқ тадқиқотларни мувофиқлаштиради, Илмий-тадқиқот лаборатория томонидан олиб бориладиган тадқиқотларнинг долзарблиги ва илмий мазмуни бўйича масъул ҳисобланади, муҳим давлат ва маҳаллий дастурлар доирасида илмий тадқиқот ишларининг жорий ҳамда истиқболли мавзуларини аниклади;

Илмий-тадқиқот лабораторияда илмий, илмий-инновацион ишда раҳбарликни таъминлаш учун Илмий-инновацион Кенгаш тузади, ҳамда унинг таркибини ва Низомини тасдиқлади;

Илмий-тадқиқот лабораториянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмаларни эълон қиласди;

Илмий-тадқиқот лаборатория ходимлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради, Марказда соғлом муҳит ва меҳнат интизомини таъминлайди;

Университет билан хорижий ОТМ профессор- ўқитувчилари, илмий ходимлари ва эксперtlари билан ҳамкорликда лойиҳалар тайёрлашда, Университет кенгashi қарорлари ва ректор буйруқлари лойиҳаларини тайёрлашда бевосита иштирок этади;

Университет профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари томонидан соҳада яратилган илмий, илмий-инновацион ва технологик маҳсулотлар ва хизматларни тижоратлаштириш, уларнинг реализациясини ташкил этиш билан шугулланади, ходимлар ишини мувофиқлаштиради;

Республикадаги корхоналар ва компаниялар билан ўзаро музокаралар ўтказади ва профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар учун илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмалар базасини шакллантиради;

Илмий-тадқиқот лаборатория фаолияти натижалари бўйича ҳисботларни тайёрлашни бошқаради;

Университет ректорининг тегишли буйруқларини амалга ошириш мониторингини олиб боради ҳамда топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ахборотлар тақдим этади;

Илмий-тадқиқот лаборатория фаолиятини юритишида уни зарур тезкор маълумотлар билан таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар ва бошқа тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузиш бўйича ўз таклифларини ректорга тақдим этади.

Лаборатория мудири ўз хукуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Илмий-тадқиқот лаборатория манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши лозим ҳамда амалдаги қонунлар билан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 7.4. **Илмий ходим:**

Соҳани ривожлантиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, баённомалари ва алоқадор вазирликлар томонидан ишлаб чиқилган низом, буйруқ ва бошқа меъёрий хужжатлардан доимий равиша хабардор бўлади ва уларни Илмий-тадқиқот лаборатория мудири ва ходимларга ўз вактида етказиб туради;

Илмий тадқиқот институтлари, хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорликка оид ўтказиладиган мажлислар, хорижий ҳамкорлар билан учрашувлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларда Илмий-тадқиқот лаборатория директори топшириғи бўйича Илмий-тадқиқот лаборатория номидан иштирок этади;

Соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион лойиҳаларга университетнинг ёш иқтидорли бакалавриат ва магистратура талабаларини, докторантлар ҳамда профессор-ўқитувчиларни жалб этади;

Соҳага тегишли илмий-тадқиқотларни амалга ошириш бўйича вақтинчалик илмий-ижодий гурухларни ташкил этади, шартномалар тузади ва уларнинг ишини назорат қиласди;

Махсус илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича давлат ва нодавлат ҳамда хўжалик ташкилотлари билан шартномалар тузади;

Тегишли кафедралар томонидан шакллантирилган илмий, илмий-инновацион гурухлар таркибига кирувчи профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, амалиётчи мутахассислар, талабалар фаолияти мониторингини олиб боради;

Илмий-тадқиқот лаборатория мудири томонидан олиб бориладиган сиёсатни амалга оширади, тасдиқланган Иш режа ва стратегияда белгиланган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Илмий-инновацион кенгашга ва Илмий-тадқиқот лаборатория мудирига ҳисобот беради;

Илмий ходимлар ўзига юклатилган илмий, илмий-инновацион соҳаларни ривожлантиришга кўмаклашиш, университетда амалга ошириладиган соҳага тегишли жараёнларини тезлаштириш, илмий - амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, АҚТдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича белгиланган иш ҳажми ва муддатлари бўйича шахсий жавобгар ҳисобланади.

7.5. Илмий ходимлар (Қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф муҳит физикаси сектори) лавозимига олий маълумотли, магистратура босқичини тугатган шахслар сухбат асосида тайинланади. Мутахассислар ўзининг кундалик ишида лаборатория мудирининг топшириғи ва кўрсатмасига асосан иш юритади.

7.6. **Мутахассис - инженерлар** лавозимига олий маълумотли, магистратура босқичини тугатган шахслар сухбат асосида тайинланади. Мутахассислар ўзининг кундалик ишида лаборатория мудирига бўйсунади.

7.7. **Мутахассис - инженерлар** мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

Сектор мудирлари томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш;

Ускуналарни йўриқнома асосида ишлатиш ва натижаларни олиш талабларига риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган илмий лойиҳалар, грантлар базасини юритиш;

Илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича тегишли хужжатларни расмийлаштириш ва илмий-инновацион кенгаш йигишлари баённомаларини тузиш;

ДИТД ва халқаро грантларга тематик илмий лойиҳаларни тақдим этиш ва танловда иштирок этиш бўйича тегишли хужжатларни расмийлаштириш;

Хорижий илмий марказлар ва ОТМ профессор-ўқитувчилари, халқаро ташкилотларнинг эксперталари билан бирга яримўтказгичли қуёш элементлари ва лазер физикаси йўналишларига тегишли бўлган мавзуларда аналитик тадқиқотларни олиб бориш, ҳаммуаллифликда Scopus/Web of Science ва бошқа базалар рўйхатидан жой олган журналларда илмий мақолалар чоп этиш;

Лаборатория ходимлари фаолиятининг тўлақонли ва самарали ташкил этилишини, зарурий жиҳозлар, компьютер техникалари ва канцелярия молларининг шайлигини таъминлаш;

Лаборатория билан бошқа юридик шахслар, давлат идоралари, хўжалик юритувчи субъектлари билан шартномаларни юритиш;

Лаборатория ходимларининг ўз вақтида келиши ва белгиланган вазифаларни бажаришлари учун барча шароитларни муҳайё қилиш;

Байрамлар ва тадбирларни ташкил этиш, хориждан келадиган меҳмонларни кутиб олиш, уларни меҳмонхонага жойлаш.

Вазифалар тақсимотига мувофиқ лабораториянинг иш юритишини амалга оширади, хужжатлар ўтишини назорат қиласди, хужжатлар йиғма жилдларининг тайёрланишини ва архивда саклаш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юклangan бошқа вазифаларни бажаради.

## **8.Илмий-тадқиқот лабораториянинг бошқа бўлимлар билан алоқаси**

Илмий-тадқиқот лаборатория ўз фаолияти бўйича университетнинг қуидаги бўлимлари билан ўзаро алоқалар олиб боради:

Университетнинг илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш бўлинмалари Илмий-тадқиқот лабораторияни илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида олинган илмий-техник маҳсулотлар ҳақидаги хужжат ва маълумотлар билан таъминлайди;

Маъмурий бўлинмалар Илмий-тадқиқот лабораторияга университетнинг интеллектуал мулк масалалари бўйича бошқа корхоналар билан муносабатларига доир меъёрий- хуқукий ва ташкилий ҳужжатларни ҳамда ахборотни тақдим этади;

Илмий-тадқиқот лабораториянинг университетдаги бошқа таркибий бўлинмалар билан муносабатлари университет ректори томонидан тасдиқланган Илмий-тадқиқот лаборатория тўғрисидаги Низом билан белгиланади;

Илмий-тадқиқот лабораториянинг бошқа ташкилотлар билан муносабатлари университет томонидан Илмий-тадқиқот лаборатория ва ички локал ҳужжатларнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича тузилган шартномалар шартлари билан белгиланади;

Илмий-тадқиқот лаборатория университет факультетлари, кафедралари билан таълим, илм-фан, билимларни тижоратлаштириш, халқаро ва Республика грантларида иштирокэтиш, халқаро илмий-техникавий базалар таркибида бўлган журнallарда илмий мақолалар чоп этиш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш билан боғлиқ барча масалалар бўйича;

Молия-иктисод ишлари бўйича проректор билан Илмий-тадқиқот лаборатория моддий техник базасини ривожлантириш масалалари бўйича (бюджетдан ташқари маблағлар доирасида);

Бухгалтерия бўлими билан хўжалик ва молиявий масалалар бўйича;

Режа-молия бўлими билан бўлимнинг штат бирлигини таъминлаш бўйича (умумий асосда);

Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими билан таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик фаолиятини олиб бориш учун керакли моддий-техник база билан таъминлаш масалалари бўйича;

Ахборот технологиялари маркази билан бўлимни компьютер техникиси билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиши масалалари бўйича;

Ахборот-ресурс маркази билан таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик ишлари учун керакли ахборот маълумотлари билан таъминлаш масалалари бўйича;

Халқаро ҳамкорлик бўлими билан халқаро грантлар билан ишлаш, халқаро анжуманлар, симпозиумлар ҳамда семинарларни ташкил этиш масалалари бўйича;

Чиқариладиган бўйруқларнинг лойихаларини қонун ҳужжатларига мослиги юзасидан юристконсульт билан келишиш, тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонунчиликка мувофиқлиги ва шу каби масалалар бўйича.

## **9.Илмий-тадқиқот лабораториянинг иш тартиби ва таркиби**

9.1. Илмий-тадқиқот лаборатория ходимларининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, университет Устави ва Ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан белгиланади.

9.2. Илмий-тадқиқот лаборатория мудири университет раҳбарияти ва Касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда ҳамда Илмий-тадқиқот лаборатория вазифаларининг бажарилишини инобатта олиб, Илмий-тадқиқот лаборатория ходимларининг иш тартибини белгилайди.

## **10. Якуний қоидалар**

10.1. Мазкур Низом университет Кенгашида кўриб чиқилиб, университет ректори томонидан тасдиқланади. Низомга ўзgartериш ва қўшимчалар киритишда ҳам худди шу тартибига риоя қилинади.

10.2. Илмий-тадқиқот лаборатория фаолияти университет Кенгашининг қарорига кўра университет ректорининг буйруги билан вақтинча тўхтатилиши, тугатилиши, қайта ташкил этилиши ёки бирлаштирилиши мумкин. Илмий-тадқиқот лаборатория тугатилгандан сўнг унинг тасарруфидаги барча воситалар белгиланган тартибда университет ихтиёрига ўтади.


10.3 Лабораториянинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, 180119, Қарши ш., Кўчабог кўчаси, 17-йй, Қарши Давлат университети, Гелиополигон ноанъянавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш муаммолари" илмий-тадқиқот лабораторияси.

Ушбу Низом университет Кенгашининг 2023 йил " " даги \_\_\_\_\_  
сонли қарори билан маъқулланган.

10.4. Низом Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, Касаба уюшма қўмитаси раиси, Ходимлар бўлими бошлиғи, Университет кенгashi котиби ва юрист консультант билан келишилган.

### **КЕЛИШИЛДИ:**

**Илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректор:**

  
**И.Р. Бекнуратов**

**Физика факультети декани:**


  
**Л.Мейлиев**

**Саноат мухандислиги кафедраси мудири:**   
**С.Ўтаев**

**Лаборатория мудири:**

  
**А. Вардияшвили**

**Касаба уюшма қўмитаси раиси:**

  
**А. Норов**

**Ходимлар бўлими бошлиғи:**

  
**А. Хўжакулов**

**Кенгаш котиби:**

  
**Г.Тожиева**

**Юрист консультант:**

  
**Э.Суяров**